



ҚАСДДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Есимбетова Барно Есенгелдиевна

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(Phd),
E-mail: esimbetova02177@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164216>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Қасддан, шикаст етказиш, методика, криминалистик тактика.

ABSTRACT

Мақолада қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари бўйича олимларнинг фикр мулоҳазалари, хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлил қилинган.

2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармонида амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда қуйидагиларни назарда тутадиган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бири сифатида: “қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш”¹ тасдиқланган.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси Ўзбекистон жиноят процессуал қонунчилиги, криминалистика методикасига жорий этилиши катта аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларида қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларни тергов қилиш моҳияти, методикаси тушунчасига нисбатан назарий-ҳуқуқий ёндашувларни таҳлил қилиш, чет эл мамлакатларида уларни тергов қилиш методикасида криминалистик тактикаси нуқтаи назаридан илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш амалдаги жиноят қонунчилигида амал қилинаётган механизми самарадорлигини ошириш имкониятларини белгилаб беради. Айти пайтда хорижий давлатлари қасддан баданга

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда



шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси билан боғлиқ масалаларнинг ечими ўзига хос хусусиятларга эга.

Ривожланган хорижий мамлакатларда кейинги йилларда ўтказилган жиноят-ҳуқуқий ислохотлар шуни кўрсатдики, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси жорий этиш истиқболлари уларни такомиллаштириш, ҳар бир субъектларни ваколатлари, тергов ҳаракатларни ўтказиш ҳал қилиш ўзига хос аҳамиятга эгадир².

Жумладан АҚШ Буюк Британия, Венгрия, Жанубий Корея, Испания, Россия Федерацияси, Хитой, Франция ва бошқа бир қатор давлатларда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш бўйича тажрибаси, улардан фойдаланиш криминалистик стратегиясида ушбу жиноятларни тергов қилиш ўзига хос алгоритмга эга. Унда «қасддан баданга шикаст етказиш методикаси» деб, криминалистикага мувофиқ ушбу жиноятни тергов қилиш алгоритмини тўғри аниқлаш ва асослантириб бериш жараёни деб тан олинади³. Буни таҳлил қилганимизда, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятни бевосита содир этган жиноятчиларни жиноий жавобгарлик қилиш ва бу борада ушбу жиноятларни самарали тергов қилиш лозимлиги мантиқан келиб чиқади.

Юқорида кўрсатилган мамлакатларидаги жиноят қонунчилигидан фарқли равишда Австрия, Германия қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари сифатида криминалистик тактикасида инновацион технологияларни кенг қўлланилиши белгиланган⁴.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасининг самарали механизми Жанубий Корея, Хитой, Франция, Россия, Япония каби давлатлар тергов ҳаракатларни ўтказиш тактикасида ўз аксини топган. Бироқ, таъкидланган давлатлар қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси турлича ҳал этилган⁵.

Бинобарин, Франция тергов органлари суд тизимида бўлганлиги ва полиция томонидан суриштирув ишларни олиб боришларида қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси криминалистик тактик жихатдан процессуал тартиби мурракаблаштиришган ҳолда амалга ошириши белгиланган. Бундан ташқари, айрим тергов ҳаракатларни ўтказишда криминалистик тактика назариясига асосланган ҳолда белгилайдилар⁶. Француз криминалистикасидаги мазкур ёндошув

²Қаранг: *Зацепин А. М.* Дополнительная квалификация преступления. Общие и специальные вопросы: монография. – М.: Проспект, 2017. – 304 с.

³Қаранг: *Крилова Н.Е., Серебренникова А.В.* Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). Изд. 2-е пере раб. и доп. Учебное пособие. –М., 1998. – С. 123.

⁴Қаранг: *Леванова М.Р.* Прикосновенность к преступлению в Уголовных кодексах Германии и Франции // Уголовное право: стратегия развития в XXI веке. Материалы 4-й Международной научно-практической конференции, 25-26 января 2007 г. –М., 2007. –С. 557.

⁵ *Крилова Н.Е., Серебренникова А.В.* Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). Изд. 2-е пере раб. и доп. Учебное пособие. –М., 1998. – С. 123.

⁶Қаранг: *Крилова Н.Е., Серебренникова А.В.* Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). Изд. 2-е пере раб. и доп. Учебное пособие. –М., 1998. – С. 123.



албатта қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси самарасини оширишга йўналтирилган. Фикримизча, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасида терговчи, суриштирувчи ва терговга қадар текширувни амалга оширишни тез вақтда яқунлаб ишни прокурор орқали судга юбориш. Мазкур қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси ҳам Франция криминалистика қоидаларига биноан ўзига хос белгиларга эга.

А.М. Зацепин ва И.Я. Козаченколар фикрига кўра қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси сифатида айнан шу турдаги жиноятларни исботлаш жараёнида инсон баданининг ҳаракатлар тизими мақомида тан олиш зарур ва унинг ифодаси шундан иборатки, одам бадани ва унинг органларини маконда ва замонда ҳаракат қилиб, ижтимоий муҳитда (ҳаракат) маълум жисмоний ўзгаришларга олиб келади ёки бирон-бир тана ҳаракатларидан воз кечиш (ҳаракатсизлик) дан иборат бўлади⁷.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, криминалистик методикаси маънода қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини умумий жиҳатдан олсак, терговга қадар текширув, жиноят ишини қўзғатиш ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларни олиб боришни таҳлил қилсак, бу фаолият терговни олиб боришга маъсул бўлган мансабдор шахсларга оид бўлади. Бу шундан иборатки, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасини умумий жиҳатдан олсак, у далилларни тегишли шакллар орқали тактикасини самарали қўллашни таъминлайди.

АҚШ, Канада, Австралия давлатларнинг қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасига биноан шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, ушбу жиноятларни квалификация жараёнида, қилмишни умуман фарзли равишда бор ёки йўқлигини эмас, балки у ёки бу жиноят таркибини таърифлашда қонунда қайд этилган аломатларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаймиз. Уларни таҳлил қилиб, шуни аниқлаймизки, қонун ижодкори ҳар ҳил даражадаги умумлаштирув жиҳатидан қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасининг мукамал тавсифини қайд этган⁸. Шунга боғлиқ равишда қонундаги ушбу жиноий қилмишнинг бир неча тасниф этиш турларини ажратиш кўрсатиш мумкин бўлади.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини қиёслаб таҳлил қилиш бўйича А.Х. Саидов таъкидлаганидек, “қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, бир томондан, чет элда асосий муаммони ҳал қилишда ўзини оқлаган фойдали омилларнинг барчасини аниқлашга кўмаклашса, бошқа томондан хориж

⁷Зацепин А. М. Дополнительная квалификация преступления. Общие и специальные вопросы: монография. – М.: Проспект, 2017. – 304 с.; Козаченко И. Я. Уголовное право. Особенная часть. Практикум: учебное пособие для бакалавриата и специалитета / И. Я. Козаченко [и др.]: ответственный редактор И. Я. Козаченко. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 263 с.

⁸ The Certified Criminal Investigator Body of Knowledge: 1st Edition American College of Forensic Examiners Institute – New York: Routledge, 2013. – 539 p.



тажрибасининг салбий томонларини, у ёки бу ҳуқуқий ечимларнинг самарали эмаслигини ҳисобга олиш учун имконият яратади”⁹.

Дарҳақиқат, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси борасида хорижий давлатларнинг қиёсий мавжуд миллий криминалистиканинг нисбийлигини акс эттирган ҳолда миллий криминалистик тизимини ривожлантириш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси самарали механизмини яратиш жаҳоннинг деярли ҳар бир давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширишда криминалистика тактикаси борасида кўп муаммоларга тўқнашадилар. Ушбу турдаги жиноятларнинг тергов қилиш методикасига оид алгоритм билан боғлиқ муаммолари турли мамлакатларда турлича бўлиб, аксарият ҳолларда криминалистик жиҳатлари тараққиёт даражаси билан белгиланади. Ушбу тоифадаги жиноятларни қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасини оптималлаштириш энг долзарб муаммолардан бири деб тан олиш мумкин¹⁰.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси хорижий давлатларда хусусий айблов орқали амалга оширилади. Моддий маънода жабрланувчининг суд олдида ўзига нисбатан жиноят содир қилинганлигини исботлашдан иборат бўлиб, унга мувофиқ жиноят содир қилган шахсга қарши айбланиш ҳуқуқи давлат томонидан жабрланувчига берилади¹¹.

Бу борада айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси борасида исботланиш жараёнида тергов харакатларни криминалистик тактикаси қоидаларни билиш ва ўз вақтида самарали қўллаш мақсадга мувофиқ¹². Қолаверса, бу ўзгаришлар, ўз навбатида, юртимизда амалга оширилаётган қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасини ривожланиш, шунингдек бошқа тактик усулларни инновацион технологияларни кенгроқ қўллаш орқали такомиллаштирилади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Қозоғистон жиноят-процессуал, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунчилигида белгиланган қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси борасида тегишли криминалистик тактик усуллари, Италияда қасддан баданга шикаст етказиш

⁹Саидов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник для вузов. – М., 2000. – С. 36-37.

¹⁰Корнеева А. В. Теория квалификации преступлений: учебное пособие / отв. ред. А. И. Рапог. – М.: Проспект, 2017. – 112 с.; Новоселов Г.П. Алгоритм уголовно – правовой квалификации преступления / Г.П. Новоселов // В сборнике: Общество и преступность: уголовно-правовые, пенитенциарные и криминологические аспекты сборник научных статей Вятский государственный университет. 2017. С. 46-50.

¹¹Тураева Д.Р. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2020. – 54 б.

¹²Козаченко И. Я. Уголовное право. Особенная часть. Практикум: учебное пособие для бакалавриата и специалитета / И. Я. Козаченко [и др.] ; ответственный редактор И. Я. Козаченко. – Москва: Издательство Юрайт, 2019. – 263 с.;Крилова Н.Е., Серебренникова А.В. Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). Изд. 2-е пере раб. и доп. Учебное пособие. –М., 1998. – С. 123.



жиноятини тергов қилиш методикаси борасида суд-тиббиёт экспертизаси хулосаси ва бошқа криминалистик техника имкониятлардан фойдаланиш йўлга қўйилган¹³.

Диана Грин ва Альберт Р.Робертснинг «Оғир жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам бериш: баҳолаш, даволаш ва гувоҳлик амалиёти»¹⁴ деб номланган рисолада тадқиқотчилар қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш масалаларини ва зарурий равишда уларнинг ички оламини тадқиқ этган эдилар. Улар содир этилган жиноят жабрланувчиларга руҳий-эмоционал, ижтимоий, жисмоний, тиббий ва моддий таъсир қилишини асослаган¹⁵.

Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасини қўллашда хорижий давлатларда содир этилган жиноят ва етказилган зарар ўртасида тўғридан тўғри ва ички боғлиқлик бўлиши керак, чунки етказилган зарар ушбу жиноятнинг бевосита оқибати ҳисобланади. Айблов ҳукми чиқарилаётганда жиноятнинг объекти, жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар исботланган бўлиши, аммо бу шахснинг ўзи арз қилган вақтидан бошлаб уни жабрланувчи деб тан олинишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда зарар кўрган шахс ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вақтида амалга ошира олмайди.

Халқаро ҳуқуқнинг қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси борасида умумэтироф этган ҳуқуқий ҳужжатларида асосий мақсад жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашдир. Ҳозирги вақтда қонунчиликка биноан ушбу жиноятлар бўйича айбдор жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади. Қозоғистон Республикасида 2018 йил 10 январида «Жабрланувчиларга етказилган зарарни компенсация қилиш жамғармаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унга асосан ҳуқуқбузарлардан мажбурий тўловларни ундириш тўғрисидаги нормалар қабул қилиниб, жамғарма маблағлари ҳисобидан бир йўла тўлов шаклида етказилган зарар тўлаб берилади.

И.Н.Крапчатованинг қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасида жабрланувчи шахслар жиноят процесси иштирокчилар ҳуқуқларини таъминлаш борасида таъкидлашча, «жиноят процесси иштирокчиларининг давлат томонидан ҳимоя қилиш муаммоларини ҳал қилиш халқаро юридик актларда юридик жиҳатдан мажбурий бўлган хулқ-атвор қоидалари ва тавсия этилган нормалар йиғиндиси, миллий қонун ҳужжатларида мустақкамланган бўлиши лозим»¹⁶.

¹³ Suzanne Bell, *Crime and Circumstance: Investigating the History of Forensic Science* – London: Praeger, 2008. - 277 p.

¹⁴ Green, Diane L. *Helping victims of violent crime : assessment, treatment, and evidence-based practice* / Diane L. Green, Albert R. Roberts. P.53; cm. – (Springer series on social work).-N.Y.: Springer Publishing Company, LLC. 2008. –256 p.

¹⁵ Green, Diane L. *Helping victims of violent crime : assessment, treatment, and evidence-based practice* / Diane L. Green, Albert R. Roberts. P.53; cm. – (Springer series on social work).-N.Y.: Springer Publishing Company, LLC. 2008. –256 p.

¹⁶ Яшин А.В. Некоторый зарубежный опыт защиты участников уголовного судопроизводства от преступных посягательств // Международный журнал экспериментального образования. – 2015. – № 11-4. – С. 579-581; URL: <http://www.expeducation.ru/ru/article/view?id=8644> (дата обращения: 08.05.2020).



Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси бўйича халқаро умумэътироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор алоҳида қонунлар, қабул қилиш мақсадга мувофиқ¹⁷.

Юқорида қайд этилганидек, ривожланган давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси борасида жабрланувчиларга давлат томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни: жиноят натижасида шахсга ўртача оғир ёки оғир шикаст ёки тан жароҳати етказилганда; жинсий эркинликка қарши жиноятдан жабрланганда; жиноят натижасида жабрланувчи ОИВ, ОИТС ёки гепатит В ёки С шаклини юқтирганлик ҳолатларида давлат томонидан компенсация тўловлари тўланиши лозим.

Қонунда компенсация тўловларини амалга ошириш учун «Махсус Фонд» ташкил этилиши назарда тутилган¹⁸. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларидан жабрланувчиларнинг ҳуқуқий мақомини сезиларли даражада мустаҳкамлаб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига олиб келган бўларди. Шунингдек, жабрланувчиларнинг қўллаб-қувватловчи Фонднинг фаолиятини белгилловчи нормалар белгиланиб, жиноятчилик сезиларли даражада яхшиланар эди.

Ҳозирги кунда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари бўйича жабрланувчиларга етказилган зарарни давлат томонидан қоплаш учун ноқонуний топилган даромадлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этиш натижасида тўланадиган жарималар ҳисобидан қуйидаги давлатларда «Фонд»лар ташкил этилган: Австрия, Бельгия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Дания, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Кипр, Латвия, Литва, Люксембург, Мальта, Нидерландия, Норвегия, Руминия, Словакия, Словения, Финляндия, Франция, Чехия, Швеция, Швейцария ва Эстония¹⁹.

Ҳар бир қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикасининг икки таянчи бўлиб, бири ушбу жиноятнинг криминалистик тавсифи, иккинчиси далилларни излаш топиш ва расмийлаштиришда ҳамкорликни ташкил тактикасидан иборатдир. Бу жойда биз хорижий давлатларда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда криминалистик тавсифига урғу берамиз. Бу ушбу жиноятларни криминалистик тавсифи уларни самарали очиш ва тергов қилиш қоидаларни билиш янада ривожлантиришга олиб келади²⁰. Буюк Британияда ҳам қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда криминалистик тавсифи ёрдамида олиб бориш кенг қўлланмоқда²¹.

¹⁷ James W. Osterburg, Richard H. Ward, Criminal Investigation: A Method for Reconstructing the Past: 7th Edition – New York: Routledge, 2013. – 688 p.

¹⁸ Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг ривожланиши ва жабрланувчининг ҳуқуқий ҳолатига таъсири Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 372 б.

² Жертвы преступлений право на защиту. Аналитический доклад.// Правозащитное движение «Сопративление». – М., – 2015. – С. 41.

²⁰ Крилова Н.Е., Серебренникова А.В. Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). Изд. 2-е пере раб. и доп. Учебное пособие. –М., 1998. – С. 123.

²¹ Уша ерда



Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда криминалистик тавсифини қўллашга оид масалалар Германия криминалистикасида ҳам кузатишимиз мумкин. Ушбу жиноятларни квалификация қилиш Германиянинг Жиноят кодексига белгиланган (Германия ЖК §257) ва (Германия ЖК §259) бўлинади.²²

Япония жиноят ҳуқуқи доктринасида ҳам қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларни квалификация қилиш ва уларни тергов қилиши тартиби билан боғлиқ бўлган масалалар Жиноят кодексининг «Давлатга қарши жиноятлар» бўлимида жойлашган. Бу борада, Япон ҳуқуқшунос олими Сугаямо Ёсихиса қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда криминалистик тавсифиясини самари қўллаш шунингдек, бошқа криминалистик усуллардан фойдаланиш тўғрисида алоҳида айтиб ўтган²³.

Хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда криминалистик тавсифи қилиш масаласини ёритишда ўзига хос хусусиятларидан бири деб ҳисобланадир. Ушбу жиноятларни қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда алгоритми кўпгина Европа мамлакатларида, жумладан, Франция (ЖК 434-1-м.), Голландия (ЖК 135-136-моддалар), Польша Республикаси (240-м.) ларида назарда тутилган.

Ушбу ҳолат қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда криминалистик тавсифи, методикаси ва тергов харакатларни ўтказиш тактикасининг барча қирраларини очиб беришга асос яратиб, мазкур тушунчани илмий нуқтаи-назардан тадқиқ этишга туртки беради. Жумладан, Франция жиноят қонунчилигида қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда криминалистик тавсифи, методикаси ва тергов харакатларни ўтказиш тактикаси тўғрисида билган ҳолда ушбу жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда намоён бўлади²⁴.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, миллий криминалистикаси мактабида қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишда криминалистик тавсифи, методикаси ва тергов харакатларни ўтказиш тактикаси қилиш хусусиятларни билиш лозим. Хорижий тажрибани инобатга олиб, унда қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилишни индивидуаллаштиришга хизмат қилувчи айрим жиҳатларга эътибор қаратиш муайян ижобий натижаларни бериши мумкин.

Хорижий давлатлар қасддан баданга шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш жараёнида далилларини йиғиш, қайд қилиш, тадқиқ этиш ва улардан фойдаланишнинг махсус усул ва воситалари тизимини ишлаб чиқиш таҳлили, қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларни тергов қилишда у билан криминалистик тавсифи, криминалистик методикаси ва тактикаси институтини изчил ривожланишининг асоси ҳисобланади ва қонунчилигимизга ҳам қасддан баданга

²² Қаранг: *Крылова Н.Е., Серебренникова А.В.* Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). Изд. 2-е пере раб. и доп. Учебное пособие. –М., 1998. –С. 126.

²³ Қаранг: Когояку кихон роппо дзэнсё хэйсэй дзюэнхан (замонавий тилдаги асосий қонунчилик тўплами). – Токио, 1997. –С. 935.

²⁴ Қаранг: *Крылова Н.Е., Серебренникова А.В.* Уголовное право зарубежных стран (Англии, США, Франции, Германии). Изд. 2-е пере раб. и доп. Учебное пособие. –М., 1998. – С. 123.



шикаст етказиш жиноятини тергов қилиш методикаси ўхшаш усулларнинг киритилиши мақсадга мувофиқдир, деган хулосага келиш имконини беради.

References:

1.